



ҚЎЗИЛАР ҲАЗМ ЖАРАЁНЛАРИГА ПАСТ ИНТЕНСИВЛИКДАГИ ЛАЗЕР НУРЛАРНИШИ БИЛАН ТАЪСИР КЎРСАТИШНИНГ БИОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Ахроров Маъруф Насимжонович

ассистент, Физика, биофизика ва тиббий физика,

Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Самарқанд, Ўзбекистон.

E-mail: akhrorov81@gmail.com

Чорвачиликнинг қўйчилик ва эчкичилик тормоқлари билан шўғулланувчи фермер хўжаликларининг асосий мақсади, экологик нокулай шароитда урчитилаётган майда шохли яйлов ҳайвонларнинг яшовчанлигини ўзайтириш, олдинадиган гушт маҳсулотини миқдорини ошириш ва сифатини яхшилаган ҳолда бозорни экологик тоза чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш муаммосини ижобий ечимига қаратилган. Маълумки, тоғ ва тоғолди яйловларида урчитилаётган она қўй ва эчкилардан ўртacha 50%:50% нисбатда ўрғочи ва эркак қўзи, ўлоқлар олинади. Лекин кейинги йилларда наслчилик ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйилиши ҳисобига, қоракул тери аукционларида Ўзбекистонда етиштириладиган терилар орасида рақобат бардош тери навларининг кескин камайиб бораётганлиги, айниқса сифатли қоракул тери олиш учун сўйилиши мумкин бўлган эркак қўзилар сони камайиб, суйилганида ҳам териси сотилмай қоладиган қўзилар сони ортиб бормоқда. Бўндай қўзиларни, 4,5-5,0 ойлигига онасидан ажратилиб алоҳида подаларда боқиши маълум даражада қўзилар организмида стресс ҳолатларини келтириб чиқаради ҳамда уларнинг ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши адабиётларда келтирилган[1,2].

Адабиётларда келтирилган маълумотларда, ҳайвонлар маҳсулдорлигининг ошиши, организмининг турли нокулай омиллар таъсирига чидамлилиги энг аввало ҳайвонлар организмидаги анаболик жараёнларнинг мутадиллашуви ва фаоллашуви ҳисобига юз бериши эътироф этилган [3,4].

Дунёнинг чорвачилик ривожланган мамлакатларида саноат асосида урчитилаётган чорва моллари ҳаёт фаолиятининг турли босқичларида генетик жиҳатдан юқори сифатли маҳсулдорлик имкониятларини амалга ошириш мақсадида лазерли технологиялардан фойдаланиш жуда самарали эканлиги томонидан кўрсатиб берилган. Бошқа биологик усулларга нисбатан биофизиковий усулларнинг устунлик томони шўндахи, кўрсатиладиган таъсир, айниқса паст интенсивликдаги лазерли нурланиш ҳайвон организмига кўп томонлама ижобий таъсир кўрсатади, жумладан касалликларга қарши курашиш қобилиятини ҳамда маҳсулдорлигини оширади[5,6].



Лекин, Ўзбекистон шароитида сутдан ажратилган қўзилар организмида ноқулай озиқавий ва иқлимий омиллар таъсирида қатор стресслар натижасида қўзилар томонидан яйлов озиқаларини истеъмол қилиниши, таркибидаги моддаларни ҳазмланиши ва ўзлаштирилиши каби жараёнларга биофизик усулларнинг таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Шу боисдан, ўстиришга қолдирилган қўзиларни соғлом, ҳаётчанлигини сақлаб қолиш билан бирга уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, бозорни экологик жиҳатдан тоза, юқори сифатли рақобат бардош қўзи гушти билан бойитиш муаммоси ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида энг долзарб йўналишлардан бирига айланиб улгурди.

Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда паст интенсивликдаги лазерли нурланиш билан таъсир кўрсатилган ва кўрсатилмаган қўзилардан ҳар бирида 15 бошдан 2 та (назорат ва тажриба) гуруҳлари ташкил этилди. Тажриба гуруҳи қўзилари 15-20 кунлик ёшида паст интенсивликдаги лазерли нурланиш билан 1,5 дақиқа давомида 2 марта айрисимон без жойлашган соҳага таъсир кўрсатилганлиги билан назорат гуруҳидан фарқ қилди, Қолган барча тажрибаларни амалга ошириш бўйича технологик жараёнлар бир хилда амалга оширилди. Жумладан ҳар иккала гуруҳдаги қўзилар тўғилган вақти, тирик массаси, ранги ва жинси бўйича аналог(бир хил) бўлиб, озиқлантириш ва парваришлиш жараёнлари мос ҳолда ВИЖ томонидан тавсия қилинган усулга мос ҳолда амалга оширилди [7,8,9].

Тажрибадаги ҳар иккала гурух қўзиларининг ҳар бирига яйлов озиқаларига қўшимча равишда кечқурун яйловдан қайтганидан кейин ўртacha 200 граммдан арпа ёрмаси ва 400 граммдан ҳар хил ўтлар пичани билан озиқлантирилди. Озиқлантириш давомида арпа ёрмаси тўлиқ истеъмол қилинган бўлса, турли ўтлар пичанидан охурларда ўртacha назорат гуруҳида 80-95 граммгача қолдик қолган бўлса, тажриба гуруҳида эса бу кўрсаткич 43-48 граммни ташкил қилди ёки 50% га кўп истеъмол қилганлиги аниқланди. Мувозанат тажрибаларининг ҳисобга олиш даврида ҳар гуруҳда 5 бошдан қўзиларда тажрибалар давом эттирилиб, моддаларнинг ҳазмланиши ва катта қориндаги микробиологик ва биокимёвий жараёнлар таҳлил қилинди. Бўнинг учун қўзилар катта қоринидан намуналар озиқ зонди ёрдамида [10] олиниб, асосан ҳайвонлар томонидан озиқаларни истеъмол қилинишида муҳим роль ўйновчи ҳайвонларни иштаҳасини кучайтирувчи катта қорин суюқлигининг фаол муҳити ва туйимли моддаларни ҳазмланишини фаоллаштирувчи бактериялар ва инфузрияларнинг микдори ва уларнинг нисбатларини аниқладик.

Катта қорин суюқлигининг фаол кислоталилиги ЛПУ - 01 патенциометрида, учувчи ёғ кислоталарининг (УЁК) умумий микдори Маркгамм аппаратида, бижғиши кислоталарининг фракциялари (сирка, пропион ва мой)



газ+суюқлики хроматографияда, умумий ва оқсилли азотлар эса –Къельдал бўйича, оқсилсиз азотнинг миқдори умумий азотдан–оқсилли азотни айриш йўли билан аниқланди. Тахҳилий ишларни амалга оширишда ВНИИФБиП томонидан тавсия қилинган усулдан фойдаланилди [11,12]. Олинган натижалар статистик жиҳатдан қайта ишланиб уларнинг ишончлилик даражаси аниқланди.

Тажрибаларни бошлишдан олдин танлаб олинган қўзилар ветеринар ходимлари томонидан текширилиб қўзиларнинг саломатлиги ҳақида хуносалар олингач экспериментал текширишлар амалга оширилди.

Қўзилар онасидан ажратилганидан кейин, тажрибанинг бошланиш вақтида (сентябр ойида) қўзиларнинг тирик вазни ўртача $21,7 \pm 0,96$ кг ташкил этди. Шу вақтнинг ўзида ҳар бир гурӯхдан 3 бошдан қўзилар танлаб олиниб яйлов озиқаларидан тажрибадаги қўзилар томонидан истеъмол қилинган озиқаларнинг миқдорини, туйимлилик қийматинии аниқлаш учун ВИК томонидан таклиф қилинган икки индикаторли усулдан фойдаландик[11].

Тажрибаларда режалаштирилган мақсадга эришиш учун ташқи инерт модда сифатида хром икки оксидидан фойдаланган бўлсақ, ички индикатор сифатида – азотдан фойдаландик.

Бир кеча кундузда қўзилар томонидан истеъмол қилинган озиқалар ва ажralган тезак миқдорини аниқлаш учун тажрибадаги қўзиларга ҳар куни 5 г. дан эрталаб ва кечқурун (2,5 г.дан) хром икки оксиди едирилди.

Хром икки оксиди ёрдамида тажриба ҳайвонлари томонидан ажralган тезак таркиbidаги истеъмол қилинган туйимли моддаларнинг миқдорини аниқлаш учун фойдаландик ва ушбу диссертациянинг 50 бетида келтирилган формула билан аниқладик:

$$X = (A * B) / T$$

бу ерда; А- ҳазм тизимида хром оксидининг парчаланмаслик коэффиценти (0,9912%);

В- озиқа билан киритилган хром икки оксидининг миқдори;

Т- тезакнинг бир кг қуруқ моддасидаги хром икки оксидининг миқдори

Тезакнинг қуруқ моддаси таркиbidаги азот миқдори ҳақидаги маълумот органик моддаларнинг ҳазмланиш коэффицентини аниқлаш имконини беради, хром икки оксиidi ёрдамида аниқланадиган ажralиб чиқсан тезак миқдори бўйича ҳайвонлар томонидан истеъмол қилинган ўт-уланлар миқдори ҳисобланди. Олинган маълумотларга кўра, қўзилар тажриба пайтида бир кеча кундузда 2 кг яйлов озиқаси истеъмол қилган, унинг таркиbidаги қуруқ модданинг миқдори 0,98 кг ташкил этиб 0,39 энергетик озиқ бирлиги, 5 мЖ алмашинувчи энергия, 37 г ҳазмланувчи протеин, 348 г клетчатка, 400 г АЭМ, 89 Са ва 1,55 Р сақлаши аниқланди. Яйловдан истеъмол қилинган озиқавий



моддалар озиқлантириш рационидаги меъёрни қопламаганлиги боис қўзиларни қўшимча равища озиқлантиришга эҳтиёж тўғилди.

Қўшимча озиқлантириш бошланганидан кейин қўзилар умуман яйловдан озиқалар истеъмол қилмай қўйди, сув истеъмол қилиши мумкин, лекин яйловнинг дағал озиқалари истеъмол қилинмади, шу боис тажрибаларни ўтказиш давомида фақат қўшимча озиқлантириш давомида истеъмол қилинган озиқаларнинг қуруқ моддаси унинг таркибидаги тўйимли моддалар ҳисобга олинди.

Мувозанат тажрибалари давомида тажрибадаги қўзиларга тезак ҳалтаси боғланиб кундузи яйловда пода билан боқилди, кечкурун эса подадан ажратиб олинниб қўшимча озиқалар билан озиқлантирилиб эрталаб яна пода билан яйловга ҳайдалди. Яйловга ҳайдалишдан аввал тезак ҳалтасидаг қийнинг миқдорида 15 % кимёвий таҳлил учун намуналар олинди.

7 кунлик мувозанат тажрибаси давомида қўшимча равища, истеъмол қилинган озиқалар миқдори назорат гуруҳида 0,5 кг ни ташкил этган бўлса, тажриба гурухи қўзилари томонидан бу кўрсаткич 0,5 кг ни ташкил этди, бу эса назорат гурухига нисбатан қариб 10% га кўп истеъмол қилганлигидан далолат беради.

Киёсланаётган гуруҳлар қўзилари томонидан яйлов озиқаларига қўшимча равища озиқлантирилган турли ўтлар пичани ва арпа ёрмасини истеъмол қилиш ҳисобига ҳар куни истеъмол қилинган қуруқ модданинг ҳазмланиш коэффициенти назорат гуруҳида 50% ни ташкил этган бўлса, тажриба гуруҳида 6% га юқори ёки 57% ташкил этди. Кавш қайтариш жараёнидаги қайта чайнаш натижасида бактериялар учун асосий озиқланиш маҳсулоти бўлиб хизмат қилувчи озиқаларнинг толали тузилмаларининг майдаланишини, озиқалар массасига микроорганизмларнинг таъсир кўрсатиш юзасини кенгайтиради, демак уларнинг ҳазмланувчанлигини оширади.

Қўзиларда кавш қайтариш жараёни одатда кечки озиқланиш тамомланганидан кейин 30-36 дақиқа ўтгач бошланди, бир кечада 4-6 марта кавш қайтариш жараёни кўзатилди ва уларнинг ҳар бири ўртacha 22-25 дақиқа давом этди, сунгра 35-65 дақиқа давом этувчи тинчлик давридан кейин яна кавш қайтариш жараёни бошланди. Олинган маълумотларга кўра кавш қайтариш жараёнлари тажриба гуруҳи ҳайвонларида назорат гурухидагига нисбатан 14 % га ортиқ давом этиши аниқланди. Солиширилаётган ҳар иккала гуруҳлар қўзилари катта қорини 5 дақиқа давомида 6- 8 марта руминация қайд қилинди.

Катта қорин суюқлигидаги водород ионларининг концентрацияси маълум даражада хужайнин организмнинг иштаҳасига, яъни озиқаларнинг истеъмол қилинишига ўзининг таъсирини кўрсатиши аниқланган.

Олинган маълумотларга кўра, биофизик усуллардан фойдаланиш натижасида кавш кайтариш жараёнини ортиши сулак ажратилишини рағбатлантирилиши, катта қориндаги муҳитининг ўлай томонга оғиш имкониятини берди деб ҳисоблаймиз, шу боисдан ҳар иккала гуруҳда ҳам муҳит бир-бирига яқин бўлди ва бу муҳит катта қорин суюқлиги микроорганизмларини фаолияти учун қўлайлик тўғдирди деб ҳисоблаймиз. Рацион таркибининг фақат дағал озиқалардан иборат бўлиши катта қоринда pH нинг даражасини ошишини таъминлаш билан бирга сулак ажралишини рағбатлантиради бу эса ўз навбатида катта қориннинг қўшимча равишдаги буферлик ҳимоясини таъминлайди. Кислоталикнинг бўндай қўрсаткичи сулак билан тўшаётган бикарбонатларни ва натрий фосфатининг тўшиши ҳисобига яратилади, катта қориндан кислоталарнинг эвакуацияланиши натижасида химус билан ичакга ўтиши ва қонга сурилиши ҳамда катта қорин суюқлигининг буферлик хусусиятлари билан таъминланади. Бўндан ташқари, катта қорин суюқлигининг муҳити нейтралга яқин бўлганида (pH), ундаги микрофлоранинг ривожланиши учун жуда қўлай шароит яратилади.

Тажриба гуруҳи қўзилари катта қоринида ҳосил бўлган УЁК миқдори ва ундаги сирка кислотасининг улуши назорат гуруҳига нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Назорат гуруҳида ҳосил бўлган УЁК фракциялари меъёр даражасида бўлиши кўзатилган бўлса, тажриба гуруҳи қўзиларида пропион кислотасининг улушкини ортиши мой кислотасининг улушкини камайиши ҳисобига юз берди, бу эса бизнинг назаримизда мой кислотасининг улушкини камайиши уларни туқималар таркибида ўтирувчи ва ҳайвонлар тирик массасининг ортишини таъминловчи ёғлар сифатида сарфланган бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Абдраманов, Б.М. Влияние низкоинтенсивного лазерного излучения на суточную динамику натрия (Na) в рубце овец, при разной технике и кратности их кормления / Б.М. Абдраманов, А.А. Айдаралиев, Н.С. Абдулдаева // Universum: химия и биология: электрон.научн. журн. – 2017. – № 4 (34). – Режим доступа: <http://7universum.com>
2. Абилов, Б.Т. Эффективность выращивания молодняка мясо-шерстных овец на откорме с применением БМВД с повышенным содержанием растительного белка / Б.Т. Абилов // Научно-практический электронный журнал Аллея Науки. – 2018. – № 8 (24). – Режим доступа: [Alley-science.ru](http:// Alley-science.ru) [http://docviewer.yandex.ru\(27.12.2018\)](http://docviewer.yandex.ru(27.12.2018)).
3. Абонеев, В.В. Возрастные особенности морфологического состава крови молодняка овец разных генотипов в онтогенезе / В.В. Абонеев, Л.Н. Скорых, С.Н. Шумаенко // Овцы, козы, шерстяное дело. – 2015. – № 2. – С. 41-42.

4. Алексеев, Ю.В. Воздействие фотодинамического и светокислородного эффектов на ультраструктуру различных популяций лейкоцитов / Ю.В. Алексеев, Т.Г. Бархина, А.В. Иванов, Е.В. Давыдов, М.И. Ковалев, А.М. Ковалева // Лазерная медицина. – 2018. – Т. 22. – № 2. – С. 29-35.
5. Арипов У.Х., Омонов М. Биологические и продуктивные особенности каракульских овец сур Сурхандарьинского породного типа. Вестник аграрной науки Узбекистан. №1. 2020 г.
6. Афанасьев, М.А. Интерьерные особенности полутонкорунных овец при использовании биофизических методов / М.А. Афанасьев // Инновационные разработки молодых учёных – развитию агропромышленного комплекса: материалы VI Междунар. конф. – Ставрополь, 2018. – Т. 1. – С. 36-40.
7. Афанасьев, М.А. Особенности мясных качеств у молодняка создаваемого типа скороспелых овец при использовании биофизических методов / М.А. Афанасьев, Л.Н. Скорых, Д.В. Коваленко // Вестник АПК Ставрополья. – 2018. – № 1 (29). – С. 60-62.
8. Афанасьев, М.А. Формирование мясной продуктивности молодняка создаваемого типа скороспелых овец в возрастном аспекте при использовании биофизических методов / М.А. Афанасьев, Л.Н. Скорых, Д.В. Коваленко, А.С. Сергиенко // Главный зоотехник. – 2018 – № 9 (182). – С. 34-40.
9. Афанасьев, М.А. Гистологические особенности мышечной ткани у молодняка овец при использовании биофизических методов / М.А. Афанасьев, Л.Н. Скорых, И.И. Дмитрик, А.С. Сергиенко // Вестник АПК Ставрополья. – 2018. – № 4 (32). – С. 55-58
10. Афанасьев, М.А. Морфобиологические особенности молодняка овец при использовании биофизических методов / М.А. Афанасьев, А.-М.М. Айбазов, Л.Н. Скорых, С.С. Бобрышов, Е.А. Киц, А.С. Лабынцев // Главный зоотехник. – 2019. – № 2 (187). – С. 28-35.
11. Ma'ruf Nasimjonovich Axrorov "Central Asian journal of medical and natural sciences". Nov-Dec. 2021. P.452-455
12. Z.Rajamurodov. M.X.Jalilov. M.N.Akhrorov "The Possibility Of Increasing The Natural Resistance Of The Body Of The Karakulian Lambs By Biophysical Methods" The Amerikan journal of Agriculture and biomedical engineering. Mart 2021. Page 12-16.